Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 21 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 244 (13.307)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, 17 ноябрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 18 ноябрь куни Ҳазрати Ҳизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қабрини зиёрат қилди ва Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов вафоти муносабати билан самимий ҳамдардлик йўллагани учун Туркия Президентига миннатдорлик билдирди. Режеп Эрдўғон Самарқандга ташриф буюриб, Юртбошимизнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига юксак эҳтиром ифодасидир.

Ушбу ташриф Туркияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият берилишидан далолат экани қайд қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган.

Ўзбек ва турк халқлари кўп асрлик умумий тарих, ягона тил ва дин, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар билан бир-бирига чамбарчас боғланган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Туркияга ўзининг муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори сифатида қарашини, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ўзаро ишонч тамойиллари асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Режеп Эрдўғон Туркия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги устувор шерик деб билишини, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва иқтисодий тараққиёти изчил давом этишига ишончи комил эканини алоҳида таъкидлади.

Икки мамлакатнинг бугунги муносабатлари Ўзбекистон ва Туркиянинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги, ушбу учрашув ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашиш учун қулай имконият экани қайд этилди.

Музокарада Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилиниб, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти доирасида Самарқандда Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини таъсис этиш таклифини илгари сурди. Томонлар ИҲТнинг Туркиядаги Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқотлари маркази бу ташаббусни қўллаб-қувватлаганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Туркия Ўзбекистоннинг анъанавий ва муҳим савдо шерикларидан биридир. 2015 йилда ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу борадаги ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Лекин томонлар қайд қилганидек, бу рақамлар мамлакатларимиз салоҳиятини акс эттирмайди. Бу миқдорни яқин йиллар ичида 2-3 марта ошириш учун етарли имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компаниялари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Туркия сармояси ҳажми 1 миллиард доллардан ошади.

Суҳбат чоғида ушбу ташриф икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этишига ишонч билдирилди.

Томонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича мажмуалар барпо этишга, тўқимачилик ва терини қайта ишлаш саноатида замонавий қўшма корхоналар яратишга, хусусан, биргаликда пахта толаси ва тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр брэндли маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришни йўлга қўйиш, фармацевтика соҳасида ҳамкорликка оид янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Туркиянинг етакчи туристик компанияларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида халқаро талабларга мос замонавий сайёҳлик мажмуалари барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Транспорт коммуникацияларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Боку – Ахалкалаки – Қарс" темир йўлининг ишга туширилиши икки мамлакатни бир-бири билан боғлайдиган тўғридан-тўғри транспорт йўлагини яратишдек стратегик аҳамиятга эга масалани ҳал этишда, бинобарин, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Муҳокама қилинган масалалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ва Туркиянинг ўз олдига қўяётган мақсадларига эришиш учун келаси йил бошида Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказишга, унинг доирасида Ўзбекистон – Туркия саноат форумини ташкил қилишга келишиб олинди.

Давлатлараро муносабатларда маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Томонлар бу борадаги шерикликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Эрдўғон ушбу учрашув давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликнинг янги саҳифасини очишга хизмат қилишига қатъий ишонч билдирдилар.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон Имом Бухорий ва Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуалари, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди, Регистон майдонини кўздан кечирди.

Режеп Эрдўғон истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бу эзгу масканлар тубдан қайта таъмирланиб, мутлақо янги қиёфа касб этганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, ўрганиш ва дунёга танитишда юксак натижаларга эришаётганини қайд этди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг мамлакатимизга ташрифи якунига етди.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Сайлов – 2016

МДҲ МИССИЯСИ КУЗАТУВЧИЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан МДҲ кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатишда иштирок этади.

Марказий сайлов комиссиясида МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода бошчилигидаги кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг бориши билан таништирди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар ва Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ҳолда, очиқлик ва ошкоралик шароитида ўтмоқда.

МДҲ миссиясининг узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёни билан таништирилди. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилгани қайд этилди.

Учрашувда МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Миссия штаби фаолият кўрсатиши ва кузатувни ташкил этиш билан боғлиқ зарур тадбирларни ўтказиши таъкидланди. Сайлов жараёнининг бориши тўғрисида материаллар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, теле ва радиоканаллардаги ахборот дастурлари ва кўрсатувларни, шунингдек, босма оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш, номзодларнинг сайловолди штабларида учрашувлар ўтказиш Миссия штабининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси шу пайтга қадар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти миссияларининг 90 дан зиёд кузатувчисини аккредитациядан ўтказди.

Б.БОЗОРОВ

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси А.Юнусхўжаев бошқарган тадбирда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли кузатувчилари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда округ сайлов комиссиясининг ваколатларига кирувчи масалалар муҳокама этилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 16- ва 31-моддаларига мувофиқ, округ сайлов комиссияси томонидан муддатидан олдин овоз бериш вақтини белгилаш масаласи кўриб чиқилди ва бу тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга кўра, округ ҳудудида муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда бошланиб, сайловга бир кун қолганда тугалланиши ҳамда сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш вақти соат 9.00 дан 18.00 гача этиб белгиланди. Мазкур қарор сайлов жараёнида фуқароларга енгиллик яратиш, очиқлик ва ошкоралик принципига биноан ҳар бир фуқаронинг сайловда бевосита иштирокини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган партиялар кузатувчиларини рўйхатга олиш, Яшнобод ва Яккасарой туманларида сайлов участкаларининг сайловга тайёргарлик ҳолати, участка сайлов комиссиялари фаолияти учун яратилган зарур шароитлар юзасидан ахборот тингланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга кўра, округ сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида 713 сайлов участкаси тузилган, участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган ва комиссиялар ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Сайловга тайёргарлик жараёнининг барча босқичларида қонунийлик, ошкоралик ва бағрикенглик принципларига қатъий риоя этилмоқда. Хусусан, кўзи ожизлар учун брайль шрифтли сайлов бюллетенларининг яратилиши айни муддао бўлди.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси узоқ муддатли кузатувчилари Роберт Иверсон Полин ва Игор Чамов сайлов кампанияси жараёнларини кузатиш учун яратилган шароит ва имкониятларни юқори баҳолади. Халқаро кузатувчилар округ сайлов комиссиясининг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Севара АЛИЖОНОВА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомаркез" миллий кўргазмалар мажмуасида ихтисослаштирилган кўргазмалар бўлиб ўтди. Улар тоғ-кон, металлургия, машинасозлик, дастгоҳсозлик, транспорт ва логистика тармоқларини қамраб олди.

Ё. Шамсиддинов (Ўза олган суратлар

САНОАТ ВА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирдан асосий мақсад – мазкур тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга, мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этилишига амалий кўмак беришдан иборат. Кўргазмаларда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Исроил, Латвия, Чехия, Франция, Швейцария, Япония каби 25 давлатдан 110 компания ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

Кўргазмалар очилишида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган асосий ва муҳим вазифа – мамлакатимизда 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказишга эришиш, саноат, транспорт ва логистика тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни кенгайтириш билан боғлиқ экани таъкидланди. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида яқин беш йилда мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш мақсад қилинган.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Урганч давлат университетида "Сайловларда ёшларнинг иштироки" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг аҳамияти, сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида маърузалар тингланди.

● Андижонда "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида ёшлар ҳафталиги бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ҳафталик доирасида вилоятдаги олий ўқув юртлари талабалари иштирокида ижтимоий-сиёсий акциялар, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди.

● Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими биноси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

● Фарғона шаҳрида "Аёллар маслаҳат маркази"нинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Марказда туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, соғлиқни сақлаш ва адлия бошқармалари масъул ходимлари иштирокида семинар ўтказилиб, шу каби муассасаларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

ЖАҲОНДА

● Берлинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Германия федерал канцлери Ангела Меркел келаси йили бўлиб ўтадиган сайловларда тўртинчи бор канцлерликка ўз номзодини қўйишини маълум қилди.

● Франция полицияси Парижда бўлиб ўтган норозилик намойиши чоғида 15 кишини хибсга олди.

● Халқаро энергетика агентлиги томонидан тайёрланган World Energy Outlook йиллик шарҳида 2040 йилгача жаҳон энергетикасига 44 триллион долларлик инвестициялар киритилишини маълум қилди. Агентлик таҳлилчиларининг таъкидлашича, ис газининг атмосферага чиқарилишини камайтириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар чиқиндилар кўпайиши суръатини 2,4 фоиздан 0,5 фоизгача тушириши ва қайта тикланувчи энергия манбаалари улушини кўпайтиришга олиб келиши керак.

● Германиялик олимлар Ердан 5 минг ёруғлик йили узоқликда жойлашган секин айланувчи юлдузнинг сатҳини ўлчашга муваффақ бўлишди. Ушбу юлдуз жуда улкан бўлиб, Қуёшдан 2,2 марта катталиги билан ажралиб туради. Маълумотларга қараганда, мазкур олис ва улкан юлдуз ўз ўқи атрофида 80 кун ичида бир марта, Қуёш эса 27 кунда бир марта тўлиқ айланади.

Сайлов — 2016

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Сайловлар – кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

Асосий Қонунимизнинг 117-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади".

Айни кунларда мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизғин кечмоқда. Сайловларнинг энг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Маълумки, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири, бу – сайловолди ташвиқоти саналади. Ушбу босқичда Президентликка номзодлар, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан сайловчиларни таништирадилар. Ушбу жараённи нақадар фаол ва самарали ташкил этилганидан келиб чиқиб, тегишли овозга эга бўладилар.

Сайловолди ташвиқоти аввало номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таништиришга, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам демократик давлатларда, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис қонунчиликда бу борада Президентлик ва депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасида сайловолди ташвиқотни оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилиши кафолатланган.

Муҳими, қонунчилигимизда сайловларни кўппартиявийлик асосида, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари аралашувисиз, ҳеч бир номзод ёки сайловчига алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмасдан, тинчлик тамойилига амал қилиб ўтказилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган.

Шундай экан мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбирни юксак даражада ташкил этиш ва уни ўтказиш барчамиз учун катта масъулият ва шараф бўлмоғи керак.

Зеро, сайловлар, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш, келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш, ўзимиз онгли равишда танлаган муносиб номзод орқали жамият ва давлатни бошқариш демакдир.

Мавжуда МАКСУДОВА,
ҳуқуқшунос

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари" мавзусида тадбир ўтказилди.

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Тадбирда сўз олган Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Ф.Турсунов, коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Н.Нарзикулова ва бошқалар мамлакатимизда мустаҳкам миллий сайлов қонунчилиги яратилгани, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини демократик тамойилларга мос тарзда эмин-эркин ифода этиши, конституциявий ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, 2016 йил 4 декабрь куни ўтказиладиган Президент сайловига қўйилган номзодлар, сайловнинг ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида ўтишини таъминлаш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар, 18 ёшга тўлиб, илк бора сайлов жараёнларида иштирок этадиган ёшларимизнинг сайловда иштирок этиш маданияти тўғрисидаги маърузалар тингланди.

– Мен ўз келажагим ва юртимиз тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган сиёсий жараёнда қатнашаётганимдан фахрланаман, – дейди коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Зафар Фармонов. – Жорий йилнинг 4 декабрь биринчи марта овоз беришда иштирок этиш орқали эртанги кунимизни белгилаймиз. Шундай экан муҳим сиёсий жараёнда мен ўз фуқаролик бурчимдан фойдаланиб, юртимиз келажаги учун муносиб номзодга овоз бераман.

Ўтказилган тадбирда ёшларга мутахассислар томонидан миллий сайлов қонунчилиги, сўнгги йилларда уларга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар, сайловчилар ҳуқуқларини тўла таъминлаш мақсадида сайлов комиссиялари томонидан олиб борилаётган ишлар, сайловда сиёсий партияларнинг иштироки хусусида атрофлича маълумот берилди.

Зиёда РАСУЛОВА



ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти борган сари ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор натижасида бугун мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб бораётир. Тадбиркорликка оид қабул қилинаётган қарорларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши ишлаб чиқариш субъектлари сонининг ортиб боришига ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир этмоқда.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга кенг тушунтириш, берилаётган имтиёзлардан уларни хабардор қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасида тадбиркорлар иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Фармонга кўра 2017 йилнинг 1 январидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган. Тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши, юридик шахслар тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасноли, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши кўрсатилиб, тадбиркорликка янада кенг йўл берилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши, ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаганда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмаслиги маърузачилар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Келгусида мутассади идоралар билан ҳамкорликда бундай тадбирлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, учрашувлар жойларда, жумладан маҳалла фуқаролар йиғинларида, касб-ҳунар коллеж ва лицейлар ҳамда корхона-ташкилотларда ўтказилиши белгиланиб олинди.

М.ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходими

САНОАТ ВА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимиз минерал хом ашё борасида жаҳон бозоридаги мавқеини изчил мустаҳкамлашга эришди. Бугун Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда ўнинчи, уни қазиб олиш бўйича ўн биринчи, ураннинг мавжуд захиралари бўйича жаҳондаги етакчи ўн давлатдан бири, уни қазиб чиқариш бўйича 12-ўринни эгаллаб турибди. "Тоғ-кон иши – MiningWorld Uzbekistan" халқаро кўргазмаси нафақат саноат тармоғидаги амалий ва илмий имкониятларни намойиш қилиш учун қулай майдон, балки соҳанинг долзарб масалалари бўйича музокаралар олиб бориш форумига ҳам айланди. Бу йил ўн биринчи марта ташкил этилаётган кўргазма иштирокчилари сафидан дунёдаги етакчи компанияларнинг вакиллари тобора кенг ўрин эгалламоқда.

Германия, Франция, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларнинг йирик компаниялари тоғ-кон соҳаси учун майдалаш-тақсимлаш, қуритиш, бурғулаш, минерал хом ашёни бойитиш учун ускуналар тақдим этди.

– Ўзбекистон барқарор тараққий этаётган давлатлардан биридир, ҳар бир ишбилармон тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сураётган, тадбиркорлик учун кенг имконият ва сармоявий муҳит яратилган шундай давлатда ўз бизнесини юритишни истайди, – дейди Хитойнинг "Hebei Huanqiu Rubber Products CO., LTD" компаниясининг савдо менежери Нана Же (Nana Ge). – Компаниямиз – конвейер тасмалари ишлаб чиқариш борасида Хитойнинг кўзга кўринган корхоналари қаторидан ўрин олган. Биз кунига ўртача 3-5 минг метр ана шундай маҳсулот тайёрлаймиз, уларни Ўзбекистонга ҳам экспорт қилганмиз. Кўргазмада мамлакатингиз тадбиркорлари билан ушбу йўналишда ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилинди.

"MiningWorld Uzbekistan" кўргазмаси доирасида "Ўзбекистон Республикаси қаттиқ фойдали қазилмаларнинг инвестициявий салоҳияти – ЎзГеоинвест – 2016" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ташкил этадиган тақдимотда мамлакатимиз геология тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва инвестиция лойиҳалари, юртимиздаги конлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тоғ-кон ускуналари экспозициясини "Металлургия. Машинасозлик. Дастгоҳсозлик. – Machinery Central Asia" халқаро кўргазмаси тўлдиради. Мазкур форумда машинасозлик дастгоҳлари, ускуналари, эҳтиёт қисмлари, автоматик ва узлуксиз тизимлар ҳамда бошқа маҳсулотлар намойиш этилмоқда. "Tyre Planet" (Ўзбекистон) компанияси автошиналар, автомобиль дисклари ва мойлари, "Chiron Werke", "Knuth Machine Tools" (Германия), "Doosan" (Жанубий Корея) компаниялари металлга ишлов бериш дастгоҳларини, "Oxymat Slovakia" (Словакия) компанияси азот ва кислород генераторларини, "ТБС Станкозавод" (Россия) компанияси токарлик ускуналарини тақдим қилинди.

Италиянинг "Ficep SPA" компанияси металл конструкцияларини кўтариш учун ишлаб чиқараётган машина асбоб-ускуналари жаҳоннинг 90 давлатига экспорт қилинмоқда.

– Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик соҳасидаги ютуқлари билан дунёда ном қозонган, – дейди "Ficep SPA" компаниясининг савдо менежери Вадим Дмитриев. – Бугун Ўзбекистон автомобиллари, рангли металлургия маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан мустаҳкам жой олиб бормоқда. Мазкур кўргазмада металл маҳсулотлари ва конструкциялар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кенг турдаги дастгоҳларни намойиш этдик.

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов дунё бозорига янги йўллар очиш, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди. Бунда асосий эътибор янги темир йўллар қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўл тизимини барпо этишга қаратилди. Буларнинг самарасида бугун Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Зеро, мамлакатимиз магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жанубий ва Шимолни бирлаштирадиган катта транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Буларнинг бари "Транспорт ва логистика – TransUzbekistan" халқаро кўргазмаси фаолияти жозибадорлигини оширмоқда. Чунки Жанубий-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида савдо ҳажмининг ошиб бориши билан транспорт ва савдо инфратузилмаси, экспорт-импорт товарларини сақлаш, уларга ишлов бериш, жойлаштириш ва ташишга оид кўплаб масалаларда Ўзбекистондаги кенг фаолиятли логистика марказлари жуда яхши ечим бўлмоқда. Шу боис орижлик ишбилармонлар юкларни етказиб бериш, омборларга жойлаштириш ва сақлаш бўйича муҳим масалаларни муҳокама қилишда айнан "TransUzbekistan"ни оптимал макон сифатида кўрмоқда.

Экспозицияда транспорт-логистика хизматлари ва йўловчиларни ташиш борасида нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида катта салоҳиятга эга "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг стенди марказий ўринни эгаллаган. Компания бу йил денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали ўтган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини ишга туширди. Бу билан Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имконияти яратилди, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини барпо этилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти стендларида тармоқ корхоналари таклиф этаётган хизматлар кенг намойиш этилмоқда. Транспорт – экспедиторлик хизмати кўрсатиш бўйича МДҲ, Европа ва Осиё давлатлари билан тўғридан-тўғри келишувга эга "Ўзбектемирйўлэкспедиция" унитар корхонасининг, халқаро ва маҳаллий темир йўл ташувлари бўйича таклиф этаётган хизматлари қулайлиги ва самарадорлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Кўргазманинг яна бир иштирокчиси – Швейцариянинг "Mediterranean Shipping Company (MSC)" компанияси. Бой тарихга эга "MSC" денгизда контейнерларни ташиш ва контейнер логистикасида жаҳон етакчиларидан бири. Компания авто, темир йўл ва денгиз транспортлари билан жаҳоннинг исталган нуқтасига қўшма логистикани амалга оширади. Бугун компаниянинг 150 давлатда офислари мавжуд. Ўзбекистонда ҳам "MSC Tashkent" шўъба корхонаси фаолият юритмоқда. Корхона мазкур кўргазмада кенг қамровли транспорт ва логистика хизматларини намойиш этди.

Латвиянинг мазкур соҳадаги компаниялари ҳам "TransUzbekistan"нинг доимий иштирокчиларидир. Ушбу мамлакатнинг миллий стендида бу йил ҳам Болтиқбўйи транспорт тармоғининг етакчилари – "Латвия темир йўллари" ва унинг шўъба компанияларини учратиш мумкин. Латвиянинг "A&A Logistic LTD", "Quinto Logistics", Рига, Вентспилс эркин бандаргоҳлари каби етакчи компаниялари юкларга ишлов бериш ва логистика мажмуаси бўйича барча турдаги хизматларни таклиф этди.

Кўргазма доирасида дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларига юк ташиш хизматини амалга ошираётган АҚШнинг машҳур "General Electric" компаниясининг транспорт технологиялари ва темир йўл машинасозлигидаги илғор ечимларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда компания мутахассислари Марказий Осиё мамлакатларидаги фаолияти, дизель локомотивларни модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш борасида "GE" экспертизасини маҳаллийлаштириш борасидаги тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Логистика жараёни ва темир йўл тизимларидан самарали фойдаланишни оптималлаштириш учун замонавий ечимлар тақдим этилди.

"Тоғ-кон иши – MiningWorld Uzbekistan", "Металлургия. Машинасозлик. Дастгоҳсозлик. – Machinery Central Asia", "Транспорт ва логистика – TransUzbekistan" халқаро кўргазмалари чет эл компанияларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилаётир. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳам ўз навбатида жаҳон саноатидаги сўнгги ютуқлар билан танишиб, янги ҳамкорлар ва ўз маҳсулотларини сотадиган бозорларни кенгайтириш имкониятига эга бўлмоқда.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ

Пойтахтимизда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мукаммал транспорт ечими йўлга қўйилган. Метро, автобус ва бошқа жамоат транспортлари шаҳримиз аҳолисига беминнат хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг қай бурчагига боришни истаманг, автобуслар хизматингизда.

Фуқароларга сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида автобус саройлари янги автобуслар билан бойитилиб, йўналишларда йўловчилар учун қулай, шинам ва техник жиҳатдан талабга жавоб берадиган транспорт воситалари ҳаракатланмоқда. Улар пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга катта ҳисса қўшмоқда.

Йўловчиларга қиш мавсумида ҳам сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида Автобус саройларида кўплаб ишлар қилинди ва бу тизимли давом этмоқда. Хусусан, "5-Автобус саройи" масъулияти чекланган жамиятида "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" русумидаги 50 та, "Isuzu" русумидаги 19 та автобуслар қиш мавсумига тайёрланди. Шунингдек, техник ёрдам кўрсатишга мўлжалланган 1 та "Isuzu", ва 1 та "Mercedes-Benz" русумидаги автобуслар ҳамда автобусларни ювиш шохобчалари, сақлаш ҳудудлари ва таъмирлаш устахоналари қишки мавсумга шай ҳолатда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги "Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида барча автобусларда GPS — мониторинг тизими ўрнатилган.

Ушбу тизим жамоат транспорти фаолиятини янада яхшилаш, шаҳарда йўловчи ташиш транспорти тизимини бошқариш, қатнов графиклари ва интервалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ҳаракатланадиган таркибнинг қатновини "он-лайн" тартибда масофадан назорат қилишда қўл келмоқда. Ушбу тизим транспорт ҳаракатини кузатиш, босиб ўтилган масофа ва тўхтаб турилган вақтни ҳисоблаш, шунингдек, зарур вақтда ҳайдовчига йўналишни ўзгартириш ҳақида хабар бериш имконини ҳам беради.

– Бугунги кунда 6 та йўналишда йўловчилар учун ишончли ва сифатли хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, – дейди "5-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти бош механиги Шерзод Жўраев. – Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 9 миллиондан ортиқ йўловчи ташишга эришилди ва белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Аҳолига янада қулайликлар яратиш, уларни хавфсиз ва ишончли тарзда манзилига етказиш, қўшимча қулайликлар ва хизматлар ташкил этиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Автобусларнинг техник ҳолати мунтазам текширилиб, ҳайдовчи ва чиптачиларнинг соғлиги, қоидаларга риоя этиши доимий назоратга олинган.

"5-автобус саройи" масъулияти чекланган жамиятида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга иш ўргатиш, транспорт воситаларини бошқариш ва таъмирлашни ўзлаштиришида кўмаклашишга катта эътибор берилмоқда. Ишчи-ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратишга доимий эътибор қаратилади.

Абдуалим САЛИМОВ

Тошкент шаҳар планетарийсида "Истиқлол фарзандлари" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

АСТРОНОМИЯ ОЛАМИГА САЁҲАТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари иштирок этди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилган хайрия тадбирида ўғил-қизларнинг коинот сирларини чуқурроқ ўзлаштириши мақсадида астрономия оламига саёҳат уюштирилди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмай таълим-тарбия олишлари, ўз билим ва иқтидорларини намоён қилишлари учун улкан шароитлар яратилган, — дейди Тошкент шаҳар планетарийси раҳбари Ноиба Ҳикматова. — "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш, уларда замон талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган билим ва кўникмаларни шакллантириш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда камол топишларига зарур шарт-шароитлар яратиш энг долзарб вазифалардан деб белгиланган. Ўсиб келаётган ёш авлодни ва астрономияга қизиқувчиларни фазо жисмлари билан яқиндан танишиш имконини берувчи масканимизга 2014 йилда рақамли проектор ўрнатилиб, у орқали томошабинлар қизиқарли маълумотларга бой дастурларни Планетарий осмонида кўриш имконига эга бўлишмоқда. Бу ерга ташриф буюрганлар намойиш давомида коинотдаги сон-саноқсиз юлдузлар, Қуёш ва қуёш тизимидаги сайёралар, уларнинг йўлдошлари, кометалар, метеорлар, метеоритлар, астероидлар ва шимол ёғдулари ҳақида маълумотга эга бўлишади.

Тадбирда иштирокчиларнинг маънавий дунёқарашини такомиллаштириш, уларга қувонч ҳадя этиш мақсадида саҳна кўринишлари ва "Ритм", "Настарин" болалар рақс ансамбллари томонидан концерт намойиш этилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган болалар буюк алломаларимизнинг илмий мероси билан таништирилди. Уларга қизиқарли дастурлар намойиш этилди ҳамда ҳомийлар томонидан тақдим этилган эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий онги ва маданияти, юрт тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси янада ошганлиги шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг жойларда ўтказаётган учрашувларида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, бу йилги сайловолди ташвиқотида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир туман ва шаҳарда учрашувларнинг онлайн видеоконференция тарзида ташкил этилаётгани аҳолининг кенг қатламига Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастури билан яқиндан танишиш, ўзларини қизиқтирган саволларга бевосита жавоб олиш имкониятини яратмоқда.

4 декабрь – сайлов куни





АДОЛАТ – ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Шу кунларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази директори Н.Муҳаммедовнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 2-шаҳар болалар жарроҳлик шифохонаси, Чилонзор туманидаги Республика 1-тиббиёт коллежи, Бектемир туманидаги қуювмеханика заводи ва Олмазор туманидаги Тошкент тиббиёт академиясида ўтказган учрашувлари сайловчиларнинг юқори даражадаги фаоллиги остида бўлиб ўтди.

Тадбирларда депутатлар, шаҳардаги корхона ва ташкилотлар ходимлари, маҳаллалар фаоллари, талаба-ёшлар, журналистлар қатнашдилар.

Ишончли вакил Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён этди. Жумладан, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазифалар, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришга қаратилган Дастурининг асосий йўналишлари билан сайловчиларни таништирди.

Мазкур Дастур деди, ишончли вакил, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланади.

Шу билан бирга, Дастурда бугунги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида учраётган айрим муаммолар, фуқароларимизни ўйлантираётган масалалар ечими бўйича аниқ таклиф ва механизмлар илгари сурилган.

Мазкур дастурга мувофиқ қуйидагилар энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади, дея таъкидлаб ўтди ишончли вакил.

Биз энг аввало, демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсадини илгари сурамиз. Чунки, адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига киради.

Зеро, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака бўлади, одамларда меҳр-оқибат кучаяди.

Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

Шундай экан, биз учун ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамият қуриш борасидаги конституциявий нормаларимизни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш устувор вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Биз бунда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари ҳукм сурадиган, аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган, фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ғояларига таянамиз.

Биз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Хусусан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида “адолатли қонунларни қабул қилиш”, “қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади” каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ижтимоий ҳимояси амалда таъминланадиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови, деб биламиз.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ҳам доимий эътиборимиз марказидаги масаладир. Биз “кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор”, деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Биз мамлакатимиз келажаги – инновацион иқтисодиётда, деб биламиз. Яъни, бутун дунёда фан ва технологиялар жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда фақат янги технологияларга асосланган иқтисодиётгина давлат қудратини ошириб, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бу борадаги мақсадларимизни амалга ошириш учун биз махсус комплекс чоратадбирлар дастурини қабул қилишни режалаштираяпмиз. Мазкур ҳужжатда инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш, Инновация жамғармасини тузиш каби устувор вазифаларни белгилашни мақсад қилганмиз.

Биз ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш масалаларига, аввалambор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Биз бундан кейин ҳам “Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир” деган тамойилига таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашамиз.

Биз Ўзбекистонда “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” тамойилига амал қилган ҳолда, турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарти бўлган, кўп йиллик мустақил тараққиётимиз даврида ўзини оқлаган давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттиришни таклиф этамиз.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига биз, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринларини яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини яратиш нуқтаи назаридан ёндашамиз. Биз ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг амалда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш ва ишсизликни минимал даражагача қисқартиришга интиламиз.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Бугун биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Биз ўз олдимизга саноати юқори ривожланган, иқтисодиёти фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган, демократик, ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, олий мактабларни тамомлаган, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратамиз. Чунки олий маълумотга эга инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг ташаббускорлиги, зукколиги ва уддабуронлиги, янгиликка интилувчанлиги билан янги иш ўринлари яратади, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади.

Бутун дунёда кечаётган глобаллашув туфайли турли таҳдидлар сони ортиб, давлатлар ва конфессияларо зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ташқи сиёсат масаласи мамлакатимиз ва халқимиз тақдири учун ўта муҳим, стратегик масала эканлигини барчамиз чуқур англаб турибмиз.

Шу боисдан биз мамлакатимиз амал қилиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини кучайтиришни долзарб вазифа, деб биламиз.

Бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз. Қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларимизни минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида қурамиз.

